

## Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ғолибларни қутлади

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига Республика миздаги Олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида ўтказилган навбатдаги кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг таянч докторантлар учун таъсис этилган давлат стипендияси танловининг 2021 йилги ғолибларига гувоҳномалар, уларнинг илмий раҳбарларига эса фахрий ёрлиқлар топшириш маросими ўтказилди.



Мазкур тадбирда Қишлоқ ва сув хўжалиги йўналиши бўйича танлов ғолиби бўлган институтимизнинг Ердан фойдаланиш кафедраси 11.00.07 – “Геоинформатика” ихтисослиги таянч докторанти Абдураҳманов Илҳом Исакович ҳамда унинг илмий раҳбари, Ердан фойдаланинг кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди Бобожонов Аллаберган Рўзимович ҳам иштирок этиб, гувоҳнома ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.



Совриндорларга гувоҳнома ва фахрий ёрлиқларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович топшириди ҳамда ғолибларнинг илмий ишларида муваффақиятлар тилади. Танлов ғолиблари ҳукумат томонидан иқтидорли талабалар ва ёш олимларга берилаётган катта эътибор учун миннатдорчилик билдирилдилар.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**